O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 26 май, № 100 (3899) Жума

«ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сизларни, сизлар орқали миллионлаб футбол мухлисларини бугунги қутлуғ сана – "Пахтакор" жамоасининг ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий мубораквод этаман.

"Пахтакор" деганда, биз ўзбек футболи тарихидан юксак ўрин олган, машҳур футбол юлдузларини ўз сафида мужассам этиб, ирода, қатъият ва маҳорати билан нуфузли халқаро мусобақаларда унутилмас ғалабаларни қўлга киритган кўп миллатли, номдор спорт жамоасини тасаввур қиламиз.

"Пахтакор" деганда, нафақат футболимиз, балки мамлакатимиз тарихи билан узвий боғланиб кетган, марказда бўладими, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимизда бўладими – бутун халқимиз қалбидан алоҳида жой эгаллаб, унинг фахру ифтихорига айланган, юртдошларимиз хотирасида муҳрланиб қолган машҳур футболчилар сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Айнан "Пахтакор" жамоаси ўзбек футболининг етакчи намояндаси сифатида юртимиздаги ҳар қайси маҳалла ва мактабдаги минг-минглаб ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг сафларида тўп сурган буюк футболчилардан ибрат ва намуна олган янги-янги футболчилар авлодининг етишиб чиқишига замин яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ярим асрлик тарихи давомида "Пахтакор" зафарли онлар билан бирга, ҳаётнинг жиддий синов ва машаққатларини ҳам бошидан кечиргани, айниқса, 1979 йилги авиаҳалокат натижасида ўзининг энг кучли таркибидан жудо бўлганини барчамиз ҳалиҳануз изтироб билан ёдга оламиз. Ана шу навқирон спортчи ўғлонларимизнинг хотираси халқимиз қалбида ҳамон сақланиб келмоқда.

Бугунги кунда "Пахтакор" босиб ўтган мураккаб йўлни, бу жамоанинг нафақат Ўзбекистонда, балки мамлакатимиздан олисда жойлашган турли минтақа ва давлатларда ҳам тан олинганини, катта довруғ ва хурмат қозонганини эслар эканмиз, бизнинг энг муҳим вазифамиз – ўзбек футболи эришган ана шундай обрў-эътибор ва нуфузни тиклаш, унинг шонли тарихини муносиб давом эттиришдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида юртимизда спорт соҳасига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида доимий эътибор берилаётгани туфайли миллий футболимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётгани жамоатчилигимизга яхши маълум. Миллион-миллион мухлислар, аввало, ёшларимиз қалбида ҳайрат ва ҳаяжон, чексиз завқ ва қувонч туйғуларини уйғотадиган футболдек жозибали ўйин, таъбир жоиз бўлса, том маънодаги бетакрор санъатга интилишни юксалтириш, шак-шубҳасиз, бугунги кунда спортни оммалаштириш ва соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтиришда ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган беқиёс таъсир ва аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яқинда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорнинг бу борада нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ушбу қарорда кўзда тутилган асосий мақсадлар — футбол клубларининг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг таркибига болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини киритиш, истеъдодли спортчи ёшлар заҳирасини ривожлантириш, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини янада кўтариш, стадионларни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, нуфузли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш миллий футболимизни янги, замонавий босқичга кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Энг муҳими, бундай ёндашув нафақат "Пахтакор" клуби, балки жойларда фаолият кўрсатаётган барча клублар ишини яхшилашда ҳам асосий мезон бўлиши, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, ҳаётини шу соҳага бағишлаган футбол фидоийларининг эзгу мақсад-муддаосига айланишини истардим.

Шу борада биз янгича асосда ташкил этилаётган Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятига катта умид ва ишонч билан қарашга ҳақлимиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугун 50 ёшини нишонлаётган "Пахтакор" жамоасининг шаклланишига, унинг спорт оламида кенг шуҳрат қозонишига катта ҳисса қўшган футболчи ва мураббийларга, мутахассис ва ташкилотчиларга, муҳтарам фахрийларимизга барча футбол мухлислари номидан чуқур ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Барчангизни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклар эканман, сизлар "Пахтакор"дек мамлакатимиз спорт тарихида ёрқин саҳифа яратган машҳур ва севимли жамоанинг шаънини юксак даражада сақлаб, унинг доимо ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолиши учун билим ва тажриба, куч-ғайрат, салоҳият ва маҳоратингизни янада яққол намоён этасиз, деб ишонаман.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ БАЙРОҚДОРИ

«Пахтакор» жамоаси ўзининг 50 йиллигини нишонлади

Ўзбек футболининг байроқдори бўлган «Пахтакор» жамоаси, тўрт йилдирки, мамлакатимиз чемпионлигини қўлдан бермай келяпти. Айни пайтда, «Пахтакор»чилар жамоа юбилейини яна бир чемпионлик унвони ва мамлакатимиз кубогини қўлга киритиш билан нишонлаш ниятида майдонларда дадил тўп сурмоқда.

Истиқлол йилларида ўзбек футболи тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда спортнинг барча турлари сингари футболни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида эса халқаро майдонда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган футболчиларни тарбиялаш ва мамлакатимизда мазкур спорт тури оммавийлигини янада оширишга оид вазифалар белгилаб берилди.

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида жамоанинг ярим асрлик тўйига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда ана шулар ҳақида гапирилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

... «Пахтакор» жамоаси дастлабки расмий учрашувини бундан ярим аср муқаддам — 1956 йил 8 апрель куни «Пермь» (Россия) жамоасига қарши ўтказган эди. Ушанда ўзбек спортчиси Лазиз Мақсудов томонидан киритилган ягона гол «Пахтакор»чиларнинг дастлабки ғалабаси сифатида футболимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланган.

«Пахтакор» қисқа фурсатда халқаро миқёсда Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган жамоага айланди. Айниқса, 1964 йили Уругвайнинг «Насьонал» жамоаси билан Тошкентда ўтган учрашувни футбол мухлислари ҳамон ҳаяжон билан эслаб юришади. Ушанда «Пахтакор» дунё кезиб, ўзининг тўққиз учрашувини ҳам мағлубиятсиз ўтказган уругвайликлар устидан 2:1 ҳисобида зафар қучган эди.

Жамоа оғир синовларни ҳам бошидан кечирди. 1979 йилнинг 11 августида «Пахтакор»чилар авиаҳалокатга учради. Аммо янги авлод вакиллари меҳнати билан жамоа яна ўз мавқеини тиклаб олди.

Бош жамоамизнинг жаҳонга танилишида Биродар Абдураимов, Геннадий Красницкий, Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Миржалол Қосимов каби ўнлаб моҳир футболчиларимизнинг муносиб ҳиссаси бор...

Юбилей тантанасида таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали тадбирдан сўнг «Пахтакор»нинг «Торпедо» (Москва) жамоаси билан ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

"Пахтакор" футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда оммавий спортни кенг тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Абдураимов Беродар — Ўзбекистон футбол федерациясининг бўлим бошлиғи

Арутюнов Сергей Артемович — Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг мураббий-консультанти

Инаятов Ахрал — Республика олимпия заҳиралари коллежининг катта мураббийи

Суюнов Виталий Баймурадович — Республика олимпия заҳиралари коллежининг мураббийи

Миллий футболимизни ривожлантиришдаги муносиб хизмати, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялаш ишига қўшган самарали ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Азизходжаев Акмал Абдуазимович — Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг консультанти

Агишев Равиль Рустамович — Марҳум

Ан Михаил Иванович — Марҳум

Аширов Олим Масалиевич — Марҳум

Базаров Сирожиддин Ахмедович — Марҳум

Баканов Константин Александрович — Марҳум

Денисов Геннадий Анатольевич — Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг мураббийи

Джалалов Нариман Джалалович — Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгаши раиси

Ибрагимов Баходир Ходжиевич — Пенсионер

Исаков Туляган Ульмасович — Пенсионер

Ишбутаев Шуҳрат Мусинович — Марҳум

Красницкий Геннадий Александрович — Марҳум

Пшеничников Юрий Павлович — Москва шаҳридаги олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи

Рахматуллаев Хамидулла Тургунович — Марҳум

Сабиров Владимир Валиевич — Марҳум

Солохо Вячеслав Васильевич — Пенсионер

Тазетдинов Идгай Борисович — Марҳум

Талибджанов Мансур Инамджанович — Марҳум

Фёдоров Владимир Иванович — Марҳум

Штерн Владимир Аронович — Пенсионер

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 май.

Ўзбекистон Президенти китобининг Кувайтда тақдимоти

Кувайт миллий университетида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Маросимда Кувайт ҳукумати ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, университет профессор ва ўқитувчилари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Ш.Ёвқочев раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Тақдимотда сўзга чиққан Кувайт университети ректори Нодир ал-Жалол, мазкур олий ўқув юрти ижтимоий фанлар факультети «Сиёсатшунослик» кафедраси мудири Абдул Ридо Ассири, Озарбойжон элчиси Ш.Абдуллаев, Туркия элчиси Ш.Факили, университетнинг "Форс кўрфази — Европа тадқиқотлари" маркази раҳбари Ҳейла ал-Муками Ўзбекистон Президенти китобининг араб тилида ўз вақтида нашр этилганини таъкидлашди. Уларнинг барчаси демократия барпо этишнинг ягона шарти йўқлиги ва Ғарб қадриятларини зўравонлик билан мусулмон мамлакатларига экспорт қилишга йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этдилар. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик ва ички барқарорликни таъминлаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини тадрижий ривожлантиришга қаратилган сиёсатини юқори баҳоладилар.

Хусусан, ижтимоий фанлар факультети «Сиёсатшунослик» кафедраси мудири Абдул Ридо Ассири ислом цивилизацияси равнақига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон ҳозирги кунда ҳам ислом дунёсида катта нуфузга ҳамда минтақада муҳим геостратегик мавқега эгалигини таъкидлади.

— Шу боис у демократия ва дунёвий тараққиётга қарши кучларнинг нишони бўлиб қолгани ажабланарли эмас. Минтақадаги барқарорлик кўп жиҳатдан Ўзбекистондаги вазиятга боғлиқ, унинг террорчилик ғояларига ва диний экстремизмга қарши курашдаги муваффақиятлари бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг гаровидир, — деди сиёсатшунос.

Тақдимот маросими Кувайт матбуоти ва марказий телеканаллари томонидан кенг ёритилди. Жумладан, араб тилида нашр этилувчи "Ал-Ватан" газетаси "Террорчиликнинг ҳақиқий исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ" сарлавҳаси остида катта мақола эълон қилди. Унда террорчиларнинг бегу-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилсин, ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

2. Қуйидагилар белгилансин: тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади; ариза — хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

3. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда рўйхатга олувчи тузилмаларнинг моддий-техника базасини хатловдан ўтказсин ҳамда уни мустаҳкамлаш, жумладан, зарур хоналар, компьютер техникаси ва тегишли ахборот материаллари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2006 йилнинг 1 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар)лар давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилганлиги тўғрисидаги тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ташкил этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

рўйхатга олувчи органларда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатига олиш учун зарур бўлган статистик кодлар келтирилган статистика классификаторлари мавжуд бўлишини таъминласин;

2006 йилнинг 1 сентябригача тадбиркорлик субъектлари томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатида айнан бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни олиш сўровномаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун зарур моддий-техника базасини яратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда мақолалар чоп этилишини таъминласин, телекўрсатувлар туркумини ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда минтақаларда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг асосий йўналишлари бўйича аҳолини ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви тегишли органлари ходимларини кенг жалб этган ҳолда семинарлар ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 май.

Анжуман

Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришда божхона органларининг тутган ўрни" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Божхонага савол борми?

Қўмита раиси С.Носиров бошқарган бу анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиз раҳбариятининг бевосита эътибори туфайли давлат чегараларини қўриқлаш, юртимиз иқтисодий манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида божхона ходимлари билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Халқаро талабларга мос божхона хизматлари ташкил этилиб, уларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи мақоми берилди. Божхона кодекси, "Божхона хизмати тўғрисида" ва "Бож тарифи тўғрисида"ги қонунлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, соҳага малакали кадрлар тайёрлаб берадиган Марказий Осиёда ягона Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология маркази очилди. Халқаро ўтказиш пунктлари мақомига эга "Андархон", "Ғиштқўприк", "Сариосиё", "Олот", "Дўстлик", "Ойбек", "Навоий", "Хонобод", "Ўзбекистон", "Айритом" каби йирик божхона мажмуаларининг барпо қилингани эса олиб борилаётган ишлар кўлами кенгайганлигини кўрсатиб турибди. Хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари ва халқаро ташкилотлари билан алоқаларни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Матбуот анжуманида йиғилганлар Давлат божхона қўмитаси бош бошқармалари бошлиқларининг маърузаларини тингладилар. Бугунги соҳа ходимлари олдида турган муҳим устувор вазифалар нималардан иборат эканлиги, уларни бажариш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақидаги ахборот билан танишдилар.

Тадбир доирасида иштирокчилар, шунингдек, Олий ҳарбий божхона институтида тингловчиларнинг малакали таълим олишлари учун яратиб берилган шароитлар ва кинология соҳасида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирдилар, ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Президенти китобининг Кувайтда тақдимоти

(Давоми. Боши 1-бетда).

ноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлаётган хуружлари ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллашга қаратилгани таъкидланиб, Ўзбекистоннинг террорчилик ва экстремизмга қарши курашида аниқ ва қатъий ёндашувга эгалиги қайд этилади.

Нуфузли "Ал-қабас" газетаси ўзининг бош мақоласини "Ўзбекистон ва араб дунёсини ўзаро манфаатлар боғлаб турибди" сарлавҳаси остида чоп этди. Унда Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти тўғрисидаги хабар билан бир қаторда юртимизнинг бой маданий-тарихий мероси, сиёсий-иқтисодий салоҳияти тўғрисида ҳам сўз юритилган. "Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган сиёсат давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлашга кўмаклашмоқда", — деб ёзади газета. Мақолада Кувайт университети «Сиёсатшунослик» кафедраси профессори Муҳаммад Салемнинг Ўзбекистон ва араб дунёси ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш лозимлиги ҳамда унинг "Ўзбекистон – етакчи мусулмон мамлакатлари доирасида" шиори остида мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб туриш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари келтириб ўтилган.

Оммабоп нашрлардан бири — "Ас-Сийаса" газетаси ўз мақоласида тақдимот Кувайт жамоатчилигининг кенг қатламларини Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёни билан таништириш имконини бергани тўғрисида таъкидлаган.

Кувайтга ташриф давомида Ўзбекистон делегацияси аъзолари мамлакатнинг кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий арбоби Абдулазиз ал-Бобтайн билан учрашди. У "Ал-Бобтайн" жамғармасининг Ўзбекистондаги тегишли ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва юртимизнинг бой маданий-тарихий меросини мусулмон дунёсида тарғиб қилишга тайёрлигини маълум қилди. Кувайт ислом хайрия ташкилоти бошқаруви раиси Юсуф Ал-Ҳажжий меҳмонлар билан мулоқотда мамлакатимизда сармоявий ва инсонпарварлик лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиш билдирди.

"Жаҳон" АА.

Фуқаролар йиғинларига сайлов

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ ОДАМЛАР

Айни кунларда Самарқанд шаҳрида 192 та маҳалла ҳамда учта (Кимёгарлар, Фарҳод, Хишров) шаҳарчада фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин паллага кирди. Шаҳримиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ва сайлов жараёнлари тегишли қонунлар асосида ўтмоқда. Зеро, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислоҳ этишда жамоат ташкилотлари, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллаларнинг ўрни беқиёсдир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалланинг юртимиз ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини кўтариш, улар фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор бериб келинмоқда.

Шу давр мобайнида ўзини ўзи бошқаришнинг қонуний асослари яратилди. Конституциядаги мавжуд қонунлар асосида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш учун шаҳримизда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Биринчи навбатда, барча маҳаллаларда, шаҳарчаларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказилди, кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Бу ишга халқ депутатлари шаҳар кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари, шаҳримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, сиёсатчилари, ҳуқуқ-тартибот органлари жалб этилди.

Аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганини таъкидлаш керак. Ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғини Кенгаши томонидан ишчи гуруҳи тузилди ва ушбу гуруҳ сайловга тайёргарлик, ташкилий ишларни олиб борди. Қонунда белгиланган ваколат бўйича вакилларни сайлаш борасида қатор тадбирлар ўтказилди. Номзодлар ўрганиб чиқилиб, тегишли қарорлар қўмаклашувчи комиссияга тақдим этилди.

Сайловни ташкил этиш, унинг ошкора ва адолатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари, шаҳар ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларидан иборат муваққат комиссияларнинг тузилганлиги, уларнинг шаҳар ҳокимияти томонидан бинолар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланганги ишнинг муваффақиятли ҳал этилаётганлигида асосий манба бўлмоқда. Сайловларнинг ҳақиқий демократик асосда эркин ўтишини таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини аниқ қилиб белгилаб қўйиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашни ташкил этиш ва ўтказиш бинолар боғлиқ муносабатларнинг тартибга солиб турилганлиги ҳам ишимизда сифат ўзгаришига олиб келди.

Шаҳримиздаги «Мир Саид Барака», «Эски қаландархона», «Девори кўндаланг», «Боғи баланд», «Иккинчи йўнғичқа ариқ» маҳаллаларида, айниқса, сайловлар кўтаринки руҳда ўтди. Юрт учун фидойи, Ватан тақдири учун бефарқ бўлмаган, обрў-эътиборли кишилар маҳалла оқсоқоли этиб сайланди. Айримлари янгиланди, баъзи маҳалла оқсоқоллари қайтадан эл синовидан ўтишди.

Бу маҳаллалардаги ҳар бир хонадоннинг дарвозасидан тортиб, ҳовлиларигача саранжом-сариштa эканлигини кўриб, «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Тоза жойга фаришта қўнади» деган ҳикматлар ёдингизга тушади. Тўй ва бошқа маросимлар ортиқча дабдабасиз, шинам ва файзли ўтар экан. Тадбиркор, ишбилармон кишилар тан олиниб, якдиллик билан сайланмоқда.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда, тегишли қонунчилик, халқаро норма ва стандартларга тўла амал қилинган ҳолда ўтмоқда. Табиийки, эл эъзозлаган одамларнинг оқсоқолликка сайланиши мамлакатимиз равнақи, юрт осойишталиги ва дастурхонимиз тўкинлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Т. САТТОРОВ,
халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашадиган комиссияси раиси.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

ДИЛ ТЎЛА ЭЗГУЛИК

Кейинги вақтларда Қашқадарё вилояти мамлакат миқёсидаги маданият ва спорт байрамлари ўтказиладиган марказлардан бирига айланиб бормоқда. Чироқчи адирларида янграган бахши шоирлар сози қулоқлардан кетмай туриб, Шаҳрисабзда «Мумтоз наволар» қўшиқ байрами бошланди. Муборакда бўлган катта кураш мусобақаларининг таассуротлари эса «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг жўшқин ҳаяжонларига уланиб кетди.

Мана, орадан кўп ўтмасдан, Қарши шаҳри яна бир катта маданий тадбир — Ўзбекистон музейлари фестивали қатнашчиларини кутиб олди. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекмузей» жамғармаси Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил қилган бу фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 27 та музей жамоаси ўз кўргазмаси билан иштирок этди. Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят театрининг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда, тегишли қонунчилик, халқаро норма ва стандартларга тўла амал қилинган ҳолда ўтмоқда. Табиийки, эл эъзозлаган одамларнинг оқсоқолликка сайланиши мамлакатимиз равнақи, юрт осойишталиги ва дастурхонимиз тўкинлигига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Томошабинларда турли йўналишдаги музейларнинг хилма-хил мавзулардаги кўргазмалари орқали мамлакатимизнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида яхлит бир тасаввур ҳосил бўлди.

— Биз кўргазмамизни «Буюк Ипак йўли» деб атадик, — дейди давлат санъат музейи ходими Асалхон Раҳматуллаева. — Ўзининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Қарши шаҳри ҳам бир вақтлар Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган ушбу савдо йўлида жойлашган. Қадим Туркистон ўзининг моддий маданиятида Буюк Ипак йўли меросини сақлаб қолди. Бу мерос меъморчилик, санъат асарлари ва маиший ҳаёт буюмларида ўз ифодасини топган. Бизнинг асосий мақсадимиз Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар маданиятининг ўзаро таъсир жараёнини намойиш этишдан иборатдир.

Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи директори Раҳмон Умбаров фестиваль ҳақида шундай фикр билдирди:

— Музей раҳбарлари бир-биримиз билан турли йиғинларда учрашиб турамиз. Лекин ўзимизнинг кўргазмамиз билан бир жойда тўпланиш бошқа гап экан. Тажриба алмашиш учун бундан қулайи бўлмайди. Ходимларимизнинг бу мулоқотлари мамлакатимизда музей ишини янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Фестиваль биз учун руҳияти жиҳатидан байрам, лекин амалий натижалари жиҳатидан бир мактаб бўлди.

Фестиваль якунида унинг ғолиблари аниқланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг махсус соврини — «Roison» русумли рангли телевизор Қорақалпоғистон Республикаси давлат ўлкашунослик музейига насиб этди. Фарғона вилоятининг Ғафур Ғулом номидаги адабиёт музейи иккинчи даражали, Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи учинчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. «Қашқадарё воҳаси тарихини энг чуқур ёритган экспозиция учун», «Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритган экспозиция учун», «Маданий бойликларни намунавий даражада сақлагани учун» каби 8 та йўналиш бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев ғолибларни табриклар экан, музейларнинг миллий маданият ва маънавиятни юксалтиришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади ҳамда вилоятда замонавий ўлкашунослик музейи қуришимиз керак, деган фикрни билдирди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Экосан" халқаро ташкилоти ва унинг қошидаги "Экосан-тур" экологик туризм халқаро маркази ўз фаолиятида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ЮРТИМИЗНИНГ ЭКОТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ

Куни кеча ҳар икки ташкилот пойтахтимиздаги "Марказий" меҳмонхонасининг мажлислар залида "Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳияти" мавзуида халқаро учрашув ўтказди.

"Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов кириш сўзида ўтказилаётган тадбирнинг асосий мақсади мамлакатимиз минтақалари бўйича янги экосайёҳлик-экскурсия йўналишларини ташкил этиш, мавжудларини янада кенгайтириш, Марказий Осиёда ўзининг экотуристик заҳираларига кўра етакчи ўринни эгаллайдиган юртимиз имкониятларини очиб бериш, сайёҳлару хорижий инвесторларни бу ишга жалб этиш, экологик туризмни ривожлантириш минтақавий дастурлари ва аҳолини иш билан таъминлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш эканлиги хусусида батафсил маълумот берди. Бугунги кунда туристик бозорнинг 10 фоизини экотуризм эгаллаган ва унинг кейинги йиллардаги ривожи туризм индустриясининг умумий ривожидан 2-3 марта кўп. Чунки экотуризм туризмнинг бошқа турларига нисбатан камроқ сарф-харажат талаб этади. Қиммат меҳмонхоналарга эҳтиёж туғдирмайди. Аксинча, аҳолининг уй-жойидан фойдаланиш, улар таклиф этган маҳсулотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, уларни йўлбошловчиликка олиш ва шу орқали янги иш жойларини барпо этиш мумкин.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганимизда, юртимизда туризм тараққиётининг имкониятлари мавжудлиги яққол кўзга ташланади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа жойлардаги тарихий, архитектура ва маданий ёдгорликлару қатор бетакрор табиий объектлар, март ойидан октябрь ойигача сақланиб турадиган иқлим шароитлари ҳам бундан мустасно эмас. Бундан ташқари, республика ҳудудининг 4,6 фоизини ташкил этадиган 9 та давлат қўриқхонаси ва заказниги, 2 та табиат миллий боғи ҳам дам олиш ва экотуризмни ривожлантириш учун қулай манбадир. Айниқса, 1986 йилда ЮНЕСКО рўйхатига киритилган «Чоткол» давлат биосфера қўриқхонаси алоҳида ўрин тутади. Шунингдек «Зомин», «Нурота», «Ҳисор» каби қўриқхоналар, «Угам-Чоткол» миллий боғи, "Жайрон" экомаркази, Амударё тўқайларидан ҳам самарали фойдаланса бўлади.

Учрашувда сўзга чиққанлар экотуризм соҳасидаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталишди. Чунончи, менежмент ва маркетинг хизмати даражаси паст. Аҳоли ва жойлардаги бошқариш органлари экотуризм аҳамияти ва иқтисодий фойдаси тўғрисида етарли маълумотларга эга эмас. Диёримизнинг экотуристик салоҳияти хусусида режали, савияли ахбороту рекламалар изчил олиб борилмайди.

Тадбир ниҳоясида "Экосан" халқаро ташкилотининг 2006-2010 йилларда экотуризмда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури"нинг тақдимоти ўтказилди.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Сўнгги соатда

Қосимжонов – Иванчук «дуэл»и

Италиянинг Турин шаҳрида шахмат бўйича 37-бутунжаҳон Олимпиадаси давом этмоқда.

Аввал хабар берганимиздек, унда 149 та эркаклар ва 108 та аёллар терма жамоаси қатнашаяпти. Олимпиадани муваффақиятли бошлаган Ўзбекистон эркаклар жамоаси учинчи турда Австралия шахматчиларини 3,5 : 0,5 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Ҳамюртларимиз тўртинчи турда анча тажрибали ҳисобланган Украина шахматчиларига қарши дона суришди. 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва дунё шахмат таснифида юқори ўринларни эгаллаб турган Василий Иванчук ўртасидаги баҳсда ҳамюртимиз ғалаба қозонди. Тажрибали гроссмейстер Сайдали Йўлдошев ҳам Александр Моисенкони мағлубиятга учратди. Антон Филиппов — Сергей Корякинга, Алексей Барсов эса Александр Волокутинга имкониятни бой берди. Умумий натижа — 2:2.

Тўртинчи турдан сўнг вакилларимиз 12,5 очко билан тўртинчи ўринда боришмоқда. Бешинчи турда шахматчиларимиз голландиялик «ақл гимнастикаси» усталарига қарши дона сурдилар. Голландияликлар 13 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Аёллар терма жамоамиз учинчи турда Нигерия шахматчилари устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Тўртинчи турда юртдошларимиз Словакия шахматчиларидан 0,5:2,5 ҳисобида енгилишди. Бешинчи турда уларга Венесуэла шахматчилари рақиб бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Журналист суриштируви

Ясама айблов

Ўтган йилнинг кеч кузи — ноябрь ойининг қоқ ўртаси эди. Ўрта Чирчиқ тумани пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарганди. Аммо Ким Пен Хва номли ширкат хўжалигининг марҳум раиси, иқтисод фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи Турғунбой Мадиёров асос солган "Мадиёр ўғли Қўчқор" фермер хўжалигида терим давом этаётганди. Сабаби — кўклам чоғи уруғнинг ярми чигит суви билан ундириб олингани туфайли ҳосил кечроқ етилганди.

Ана шундай бир вазиятда Тошкент вилояти прокуратураси хўжалик судига бирваракайига иккита даъво-ариза киритди. Улардан бирида "Мадиёр ўғли Қўчқор" "TSI Қорасув пахта" корхонаси билан тузилган контрактация шартномасига риоя қилмагани, аниқроғи, 179,8 тонна ўрнига 113 тонна хомашё етиштиргани таъкидланганди. Шунга кўра, ундан завод фойдасига етказиб берилмаган 66,8 тонна пахта қийматининг 25 фоизи миқдорида — 4 миллион 258 минг 500 сўм жарима ундириш зарурлиги кўрсатилганди.

Иккинчи даъвода фермер хўжалиги ўзига бириктирилган пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги 140,7 гектар ердан уч йил мобайнида самарасиз ва ноқилона фойдаланиб, мунтазам равишда қадастр баҳосидан паст ҳосил олиб келгани айтилганди. Жумладан, 2005 йили 143,8 тонна *(демак, рекламадагидан 36 тонна кам. Ваҳоланки, бир кун олдинги даъво-аризада бу миқдор 66,8 тонна, деб ёзилганди — **А.Ҳ.**)* маҳсулот топшириб, режани 79,98 фоизга адо этгани эслатилганди. Бундан ташқари, 11 ноябрь куни мутахассислар мониторинг ўтказишганида 68,9 гектар пахтазорнинг 49 сотихига ўзбошимчалик билан шоли экилгани аниқланган таъкидланганди. Шу боис фермер хўжалиги тасарруфидаги ерларни туман ҳокими ихтиёрига қайтариш сўралганди.

Аслида-чи?..

Даъво-аризаларни тайёрлашда шошма-шошарликка ва жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилганди. Аввало, фермер хўжалигига ажратилган ерларнинг ҳаммаси эмас, 118,9 гектари зироатгоҳ бўлиб, қолган қисми ариқ-зовуру йўллардан иборат эди. Иккинчидан, у аввалги йили давлатга дон сотиш мажбуриятини ортиғи билан бажарганди. Учинчидан, "TSI Қорасув пахта" билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддати 2005 йил 31 декабргача қилиб белгиланганди. Шунингдек, ўзаро келишмовчиликларни бартараф этиш учун тарафлар, биринчи навбатда мустақил ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида чора-тадбирлар кўриши лозимлиги, шунда ҳам муросага келолмасалар, низо хўжалик судида ҳал қилиниши ёзиб қўйилганди. Даъво-ариза киритилган вақтда эса улар ўртасида бирон-бир ихтилоф туғилмаганди. Негаки, ҳали шартнома муддати тугамаган, мавсум якунланмаган, энг муҳими, пайкалларда ҳосил бор эди. Режани бажариш учун, прокуратура масъуллари урғу беришганидек, 66,8 тонна ҳам, 36 тонна ҳам эмас, балки 21,6 тонна пахта етишмаётганди. Қолаверса, 11 ноябрда фермер хўжалиги далаларида мониторинг ўтказилмаганди. Ўтказилган тақдирда ҳам, унда фермер хўжалиги вакили қатнашмаган, далолатнома ёзилиб, нусхаси қолдирилмаганди.

Шунга қарамай, вилоят хўжалик суди раиси ўринбосари М.Ниязметов вилоят прокуратураси туман ҳокимлиги манфаатини кўзлаб киритган даъво-аризани иш юритувига қабул қиладди. 19 ноябрь куни уни сайёр суд мажлисида кўриб чиқишга киришади.

Табиийки, фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Мадиёров даъвони тан олмайди. Бильакс, шартнома муҳлати тугамаганини, даласида пахта борлигини, уч йилдан буён бир қарич ҳам ерга шоли экмаганини уқтиради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун жойига чиқиб, суд текшируви ўтказишни сўрайди. Аммо М.Ниязметов унинг илтимосиниям, важлариниям инобатга олмайди. Лоақал мониторинг ҳақиқатан ўтказилган-ўтказилмаганига ҳам қизиқмайди. Боз устига, мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун вақтинча бўш қолдирилган 10 гектарлик пайкални ҳам пахтазор ҳисоблаб, жавобгар "айб"ини янада бўрттиради. Ҳатто фермер хўжалиги жойлашган туманни, бўлим билан бошқармани чалкаштириб юборибми, суд ҳужжатига қуйидаги жумлаларни киритиб, ҳукм чиқаришга киришади: "Қуйи Чирчиқ (?) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг (?) 2005 йил 11 ноябрдаги маълумотномасига кўра, "Мадиёр ўғли Қўчқор" фермер хўжалиги томонидан туман ҳокимининг 2005 йил учун экин турларини жойлаштиришга оид 125-сонли қарорининг ижроси бўйича мониторинг ўтказилганда, 78,9 (?) гектар майдонда ғўза экиш (?) ўрнига, ҳақиқатда 68,4 гектарга пахта экилганлиги, 0,49 гектар майдонда контрактация шартномасида назарда тутилмаган тартибда шоли экилганлиги аниқланган".

Шу зайл судья фермерни, даъво-аризадагидан фарқли ўлароқ, 10,49 гектар ердан ғайриқонуний фойдаланганга йўяди. Пировардида гўёки у хатосини тан олганини, важларини исботловчи бирон ҳужжат ёки далил келтиролмаслигини баён қилганини таъкидлаб, прокуратура талабини тўлиқ қаноатлантиради. Худди шу куни иккинчи ишни ҳам даъвогар фойдасига ҳал қилади. Фақат битта фарқи — режага етишмаган хомашё 66,8 тонна эмас, 21,6 тонналиги боис "Мадиёр ўғли Қўчқор"дан ундирилажак жарима миқдорини 334106 сўмга туширади.

Фахриддин ўзининг ҳақлигига ишонгани, аъзолари меҳнатига ачингани, пахтани увол қилмаслик учун теримни давом эттирди. Заҳматлар зое кетмади. 12 декабрда ялпи маҳсулотни 180 тоннага етказиб, режани 100,11 фоизга уддалади. Сўнгра мажбуриятни бажаргани тўғрисида "TSI Қорасув пахта"дан олинган, ўзига қарашли ерга бошқа экин экмагани ҳақида туман ер ресурслари ва давлат қадастри ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан берилган маълумотномаларни жамлаб, апелляция шикоятлари ёзди.

Афсус, барибир, фойдаси бўлмади. Алқисса, "Мадиёр ўғли Қўчқор" давлатга пилла, ғалла ва пахта топшириш режаларини бажарган эса-да, ҳам ерни қайтаришга, ҳам жарима тўлашга маҳкум этилди. Ўз навбатида, ёнилғи, маъданли ўғит ва банкдан кредит олиш имтиёзидан маҳрум бўлди. Энг ёмони, парваришталаб буғдой озиқлантирилмай, пахта майдонлари шудгорланмай қолиб кетди. Ариқ-зовурларни тозалаш, кўкламга ҳозирлик ишлари ҳам барбод бўлди.

Жорий йил февралида янада ғалати бир воқеа рўй берди. Ғалатилиги шундаки, бир томондан, туман газетасида "Мадиёр ўғли Қўчқор"дан қайтариб олинган ерлар янги фермер хўжалиги ташкил этиш учун тендерга қўйилгани хусусида кетма-кет эълон берилди. Иккинчи томондан, баайни ўша кезларда туман ҳокими имзо чеккан 2006 йили давлатга пахта сотишнинг прогноз кўрсаткичларига оид қарорнинг 2-иловасида "Мадиёр ўғли Қўчқор" 67,4 гектар ердан 194,8 тонна хомашё топшириши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бундан Фахриддин ғангиб қолди. Чунки ишни давом эттирса, тендерга қўйилган ер эрта-индин бошқа бировга ўтиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Ишламаса, тағин бўлмайди, гарданига юкланган вазифанинг ўзига яраша жавобгарлиги бор. Шу боис у иккилана-иккилана туман "Пилла" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси, "Оҳангарондон" ҳамда "TSI Қорасув пахта" акциядорлик жамиятлари билан бу йил 600 килограмм пилла, 225 тонна ғалла ва 194,8 тонна пахта етиштириш юзасидан контрактация шартномалари тузди. Айни чоғда ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга шайланди. Дебочасига вилоят судининг ерни туман ҳокимлиги ихтиёрига қайтаришга тааллуқли қарорлари устидан Олий хўжалик судига ариза битди.

Эътироф этиш жоизки, судьялар Акбар Нарзуллаев, Избосар Есемуратов ва Лариса Зокировадан иборат кассация суди ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кўпол равишда бузганликда айблаш учун асқотади. Қизиғи, бу ғояни олға сурганлар, уни текширмай-нетмай тасдиқлаганлар хулосаларини асослаш учун далани бирров кўздан кечирмайдилар. Жилла қурса, "Тошкент вилояти шароитида авжи кўкламда шоли экиладими? Узоқ йиллар шоли етиштирилган захкаш пайкаллардан бирданига 25-26 центнердан пахта олишни талаб қилиш ўринлими?" деган саволни ўртага ташламайдилар. "Борди-ю, ўшанда Фахриддин "Бор-е!" дея қўл силтаганида, 22 тоннага яқин пахта далада қолиб кетиши аниқ эди-ку!" демайдилар. Қоғоздан ўтин, ҳаводан ҳолва ясаб, ўз ёғига ўзи қовурилиб юрган фермерга ортиқча айб қўйишдан ўялмайдилар.

Хўп, майли, ўтган ишга салават! Айб кимдалигидан қатъи назар, энди ҳаммаси ортда қолди. Олий хўжалик суди "Мадиёр ўғли Қўчқор" режаларини бажарганини, ердан ноўрин фойдаланмаганини назарда тутиб, унинг эътирозларини ўринли деб топди. 19 апрелда олдинги судлар хулосаларини бекор қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш юзасидан янги қарор қабул қилди. Ер фермерда қолдирилди.

Бу — яхши, албатта! Лекин Фахриддин Мадиёров беш ой судма-суд қатнаб, беҳуда азият чекканию ортиқча харажатга тушиб, қарзга ботгани, низо ижобий ечим топгунга қадар буғдойи қаровсиз қолгани, 69,8 гектар пахта майдони ҳайдалмагани, чигит май ойи бошида экилганига нима дейсиз? Мабодо, бу йўқотиш ва кечикишлар ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатса-ю, ғалвир сувдан кўтарилган маҳалда режалар ўлда-жўлда қолса, оқибати нима бўлади? Жавобгарликни ким бўйнига олади? Даъволарини етарлича асослантирмаган прокуратура ходимларими? Шошма-шошарлик ила юзаки иш юритиб, калаванинг учини баттар чигаллаштирган судьяларми? Ёки шу пайтгача ҳосил бой берилаётганига, ўртасарсон ернинг умри бекор ўтаётганига томошабин бўлиб турган туман раҳбарларими?..

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Кеча Сочи шаҳрида Европа Иттифоқи ва Россия саммити бошланди. Бўлиб ўтган кўп томонлама музокараларда асосан энергетика соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасидаги виза тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда Эроннинг ядро дастури муҳокама қилинмоқда. Бундан ташқари, давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашуви кун тартибидан расмий Москва ва Брюссель ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш масаласи ҳам ўрин эгаллаган.

ЕИ — РОССИЯ САММИТИ

Бугунги кунда 1997 йили имзоланган Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги битим Россия ва Европа Иттифоқи муносабаталарининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокараларда асосий эътибор ЕИ ва Россия ўртасида ҳалига қадар давом этаётган ёқилғи масаласидаги баҳс-мунозараларга қаратилди. Бир ҳақиқатни таъкидлаш жоизки, Россиянинг «Газпром» компанияси Европа энергетика бозорига шиддат билан кириб келмоқда.

— Биз ёқилғи етказиб берувчи ишончли шерик бўлишини хоҳлаймиз, — дейди Еврокомиссиянинг Россиядаги вакили Марк Фрако. — Ўз ўрнида Россия ҳам ишончли истеъмолчига муҳтож.

— Ишонаманки, мабодо Россия келишувни ратификация қилса, Москва ва Киев ўртасида энергетика билан боғлиқ юзага келган зиддиятга тўғри ва ҳаққоний ечим топилади, — дея ўз фикрини ифодалади Хавьер Солана.

Бироқ Россия тарафи европалик сиёсатчилар томонидан илгари сурилаётган таклифларни рад этиб келаяпти. Расмий Кремлнинг нуқтаи назарича, ЕИ «Газпром»ни газ етказиб берувчилар бозоридан сиқиб чиқариш учун икки хил стандартлардан фойдаланаяпти.

Россия компаниясининг Буюк Британиядаги энг катта газ операторларидан бири ҳисобланадиган «Centrica»ни сотиб олиш бўйича қилаётган саъй-ҳаракати европаликларни ўнчалик қониқтирмаяпти. Айрим сиёсатчилар ҳатто бу ҳаракатни қонун йўли билан тақиқлаш тўғрисидаги фикрларни ҳам билдирди. Ҳозирда «Газпром» Франция билан мазкур масалада бир келишувга эриша олмаган бўлса-да, энергетика соҳасида фаолият юритаётган Бельгия ва Италия компаниялари билан музокараларни жадаллик билан давом эттирмоқда. Эслатиб ўтиш жоизки, «Газпром» бугун ЕИда истеъмол қилинаётган газнинг 25 фоизини етказиб бермоқда.

Халқаро кузатувчилар Сочи саммитини жорий йил июль ойида Санкт-Петербургда бўлиб ўтиши кутилаётган «катта саккизлик» давлатлари етакчилари учрашувига тайёргарлик дея баҳолашмоқда.

Юнус БЎРОНОВ.

«ABC News» телеканалининг хабар тарқатишича, Федерал қидирув бюроси АҚШ Конгрессининг қуйи палатаси спикери Дэннис Хастертни коррупцияда алоқадорликда гумон қилиб, текширувни бошлади. Бу ҳақда телеканал мухбирига АҚШ Адлия вазирлигининг юқори мартабали шахсларидан бири маълум қилган.

Спикер коррупцияда айбланмоқда

Америка лоббистларидан бири Жек Абрамофф ушбу текширувда ФҚБ ходимлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Эслатиб ўтамиз, бундан бир неча ой аввал Абрамофф фирибгарликда айбланганди ва ўз айбларига иқрор бўлганди. Расмий манбаларнинг тасдиқлашича, Абрамофф Дэннис Хастертга нисбатан қўйилаётган айбларни тасдиқлаб, гувоҳлик берса, унга енгилроқ жазо берилиши тўғрисида келишув мавжуд. Қуйи палата спикери ўзига нисбатан илгари сурилаётган айбловларни кескин рад этди ва Жек Абрамофф билан қонунга зид ҳеч қандай келишув имзоламаганини таъкидлади.

Кутилмаган келишув

Кеча Украина Олий Радаси бешинчи чақириқ депутатларининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Бундан олдинроқ мамлакатнинг амалдаги бош вазири Юрий Еханурев Вазирлар Маҳкамаси таркиби истеъфога чиқишини маълум қилганди. «Ведомости» газетасининг хабар тарқатишича, яқин кунлар ичида Виктор Ющенконинг «Наша Украина» партияси Виктор Янукович раҳбарлигидаги «Партия регионов» билан коалиция тузиши мумкин. Бунга кўра, Юрий Еханурев яна бош вазир лавозимини эгаллайди, Виктор Янукович эса Олий Рада спикери бўлади.

Мамлакат парламенти аъзоларидан бирининг тасдиқлашича, икки партия ўртасида аллақачон бир келишувга эришилган. Унга асосан, «Партия регионов»га янги ҳукумат таркибида бош прокурор, солиқ қўмитаси раҳбарлиги ҳамда минтақалардаги бир қатор лавозимлар берилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТАНЛОВ САВДОСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана — 2006 йил 26 май.
Қарз — №1903-UZB.
Шартнома — № С24 - «Хива С, «Хоразм вилоятида 8 та СТИ (сув тақсимлаш иншооти)ни қуриш ва қайта таъмирлаш».

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) дан қарз маблағи олинган ва ушбу қарз маблағининг бир қисми **С24 «Хива С, яъни «8 та СТИ ва мажмуаларини қуриш ва қайта таъмирлаш»** шартномаси бўйича тегишли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Танлов савдоси ОТБга аъзо давлатларнинг тендер савдосида иштирок этишни хоҳловчи компаниялари учун очиқдир.
2. ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи («буюртмачи») савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни Хоразм вилоятининг Хива туманида 5 та СТИни қайта таъмирлаш ҳамда 3 та СТИ, сув қувури ва тармоқларини («объект») қуриш бўйича ўз таклифларини муҳрланган ва елимланган ҳолда тақдим этишга таклиф этади.
3. Савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, қизиқиш билдирган иштирокчилар буюртмачининг қуйида кўрсатилган манзилида қўшимча маълумотлар олишлари, танлов ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва сотиб олишлари мумкин:

   Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 96-уй,
   ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Гуруҳ раҳбари — Нурметов Б.К.
   Тел.: (362) 226-52-26. Факс: (362) 226-08-36.
   Электрон почта: piukhorezm@mail.ru
4. Танлов ҳужжатларининг рус ва инглиз тилидаги нусхаси буюртмачи номига ёзма равишдаги ариза ҳамда 180 000 сўм ҳажмидаги қайтарилмайдиган тўлов ўтказилганидан сўнг берилади. Маблағлар пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўланиши лозим:
   Банк номи — ДАТБ «Асака», Хоразм филиали.
   МФО — 00581.
   Ҳисоб рақами номи — АБР лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Ҳисоб рақами — 2021 0000 9042 9031 0002.
   ИНН — 204699689.

   Танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини юқорида кўрсатилган суммани буюртмачининг ҳисоб рақамига ўтказганларидан сўнг олишлари мумкин.
5. Барча танлов таклифлари шартнома қийматининг 2 фоизидан кам бўлмаган миллий валюта ёки унинг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган миқдорида банк кафолати билан бирга буюртмачининг манзилига **2006 йил 10 июль, соат 16.00** га қадар тақдим этилиши лозим. Кеч олиб келинган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Таклифлар қатнашчиларнинг вакиллари иштирокида топшириш муддати тугаган заҳоти очилади.

2683-1НЮ77

INVITATION FOR BIDS

Date: May 26, 2006
Loan №: 1903-UZB
Contract №: C24 - Khiva C "Construction and rehabilitation of 8 WDCs (Water Distribution Center) in Khorezm province"

1. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Western Uzbekistan Rural Water Supply Project and it intends to apply part of the proceeds of this loan to eligible payments under the contract **C24 - Khiva C "Construction and rehabilitation of 8 WDC"**. Bidding is open to all bidders from eligible source countries of the ADB.
2. The ADB Project Implementation Unit for Khorezm province ("the Employer") invites sealed bids from eligible bidders for the rehabilitation of 5 WDCs, construction of 3 WDCs, trunk main and networks in Khiva district of Khorezm province ("the Works").
3. Interested eligible Bidders may obtain further information from, inspect and acquire the bidding documents, at the office of the Employer, at:
   Nurmetov B.K., Head of
   ADB Project Implementation Unit (PIU)
   for Khorezm province
   96 A. Kodiriy St. Urgench city,
   Republic of Uzbekistan
   E-mail: piukhorezm@mail.ru
   Tel.: (362) 2265226
   Fax: (362) 2260836
4. A complete set of bidding documents in Russian and English languages may be purchased by interested eligible bidders on the submission of a written application to the above office, upon payment of a nonrefundable fee of UZS 180 000,00.

Bank:	SJSCB "Asaka", Khorezm Branch, Urgench city
MFO:	00581
Acct name:	ADB PIU for Khorezm province
Acct No:	2021 0000 9042 9031 0002
TIN:	204699689

   Complete set of bidding documents will be available to the bidders only after receiving the exact amount above to Employer's account.
5. All bids must be accompanied by a security of equivalent to not less than two percent of the estimated contract price in Uzbek Soums or equivalent in US dollars and must be delivered to above mentioned address, at or before **4:00 p.m. on July 10, 2006**. Late bids will be rejected. Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address above.

2683-2НЮ77

ТАНЛОВ САВДОСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана — 2006 йил 26 май.
Қарз — № 1903-UZB.
Шартнома — № С25 - «Қўшкўпир В, «Хоразм вилоятида 5 та СТИ (сув тақсимлаш иншооти)ни қуриш ва қайта таъмирлаш».

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) дан қарз маблағи олинган ва ушбу қарз маблағининг бир қисми **С25-«Қўшкўпир В, яъни «5 та СТИни қуриш ва қайта таъмирлаш»** шартномаси бўйича тегишли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Танлов савдоси ОТБга аъзо давлатларнинг тендер савдосида иштирок этишни хоҳловчи компаниялари учун очиқдир.
2. ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи («буюртмачи») савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида 2 СТИни қайта таъмирлаш ва 3 СТИни, сув қувури ҳамда тармоқларини («объект») қуриш бўйича ўз таклифларини муҳрланган ва елимланган ҳолда тақдим этишга таклиф этади.
3. Савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, қизиқиш билдирган иштирокчилар буюртмачининг қуйида кўрсатилган манзилида қўшимча маълумотлар олишлари, танлов ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва сотиб олишлари мумкин:

   Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 96-уй,
   ОТБ лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Гуруҳ раҳбари — Нурметов Б.К.
   Тел.: (362) 226-52-26. Факс: (362) 226-08-36.
   Электрон почта: piukhorezm@mail.ru
4. Танлов ҳужжатларининг рус ва инглиз тилидаги нусхаси буюртмачи номига ёзма равишдаги ариза ҳамда 180 000 сўм ҳажмидаги қайтарилмайдиган йиғим тўланганидан сўнг берилади. Маблағлар пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўланиши лозим:

   Банк номи — ДАТБ «Асака», Хоразм филиали, Урганч шаҳри.
   МФО — 00581.
   Ҳисоб рақами номи — АБР лойиҳасини Хоразм вилоятида амалга ошириш гуруҳи.
   Ҳисоб рақами — 2021 0000 9042 9031 0002.
   ИНН — 204699689.

   Танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини юқорида кўрсатилган аниқ суммани буюртмачининг ҳисоб рақамига ўтказганларидан сўнг олишлари мумкин.
5. Барча танлов таклифлари шартнома қийматининг 2 фоизидан кам бўлмаган миллий валюта ёки унинг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган миқдорида банк кафолати билан бирга буюртмачининг манзилига **2006 йил 10 июль соат 16.00** га қадар тақдим этилиши лозим. Кеч олиб келинган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Таклифлар қатнашчиларнинг вакиллари иштирокида топшириш муддати тугаган заҳоти очилади.

2684-1НЮ77

INVITATION FOR BIDS

Date: May 26, 2006
Loan №: 1903-UZB
Contract №: C25 - Kushkupir B "Construction and rehabilitation of 5 WDC (Water Distribution Center) in Khorezm province"

1. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Western Uzbekistan Rural Water Supply Project and it intends to apply part of the proceeds of this loan to eligible payments under the contract **C25 - Kushkupir B "Construction and rehabilitation of 5 WDC"**. Bidding is open to all bidders from eligible source countries of the ADB.
2. The ADB Project Implementation Unit for Khorezm province ("the Employer") invites sealed bids from eligible bidders for the rehabilitation of 2 WDC and construction of 3 WDC, trunk main and networks in Kushkupir district of Khorezm province ("the Works").
3. Interested eligible Bidders may obtain further information from, inspect and acquire the bidding documents, at the office of the Employer, at:
   Nurmetov B.K., Head of
   ADB Project Implementation Unit (PIU)
   for Khorezm province
   96 A. Kodiriy St. Urgench city,
   Republic of Uzbekistan
   E-mail: piukhorezm@mail.ru
   Tel.: (362) 2265226
   Fax: (362) 2260836
4. A complete set of bidding documents in Russian and English languages may be purchased by interested eligible bidders on the submission of a written application to the above office, upon payment of a nonrefundable fee of UZS 180 000,00 by the method of bank transfer.

Bank:	SJSCB "Asaka", Khorezm Branch, Urgench city
MFO:	00581
Acct name:	ADB PIU for Khorezm province
Acct No:	2021 0000 9042 9031 0002
TIN:	204699689

   Complete set of bidding documents will be available to the bidders only after receiving the exact amount above to Employer's account.
5. All bids must be accompanied by a security of equivalent to not less than two percent of the estimated contract price in Uzbek Soums or equivalent in US dollars and must be delivered to above mentioned address, at or before **4:00 p.m. on July 10, 2006**. Late bids will be rejected. Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address above.

2684-2НЮ77

Спорт

Жорий йилнинг ўтган ойлари ўзбек курашининг тараққиётида муҳим босқич сифатида тарих зарварақларидан жой олди.

Курашнинг салмоқли одими

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтган анжуманда КХА президенти К. Юсупов ва биринчи вице-президенти Ж. Татлер курашни оммалаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва кўзда тутилган режалар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумот бердилар.

Таъкидланганидек, бу йилги кураш мусобақаларини Буюк Британия ва Греция давлатларида анъанавий ўтказиб келинаётган «Ислом Каримов» турнирлари бошлаб берди. Февраль ойида эса кураш Доминикан Республикаси ўйинлари қаторидан жой олди. Шу йилнинг 4 мартида Осиё Олимпия кенгаши бош қароргоҳи жойлашган Кувайт давлатида ООК 45-юбилей конгресси бўлди. Конгресс доирасида КХА ва ООК раҳбарияти учрашдилар. Эсингизда бўлса, 2002 йилда Пусан (Жанубий Корея)да ўтган Осиё ўйинларида кураш бўйича кўргазмали чиқиш амалга оширилганди. 2003 йили Олимпия кенгаши низомининг 59-бандига ўзгартиш киритилиб, кураш ООК томонидан Осиё спорт тури сифатида расман эътироф этилди ва қитъа ўйинлари таркибига киришига ҳақли эканлиги таъкидланди.

Кенгаш ишида Африка Олимпия қўмитаси президенти Лессана Паленфо ҳам иштирок этди. У билан курашни 2007 йил Жазоирда бўладиган Африка ва Афро-Осиё ўйинлари дастурига киритиш борасида музокаралар олиб борилди.

Апрель ойи ҳам расмий учрашувларга бой бўлди. Корея Давлатининг Сеул шаҳрида Бутунжаҳон Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг ассамблеяси ўтказилди. Тадбирда Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге, 202 давлат Миллий Олимпия қўмиталари ва қитъавий Миллий Олимпия қўмиталари раҳбарлари қатнашдилар. Ассамблея йиғилишида Бутунжаҳон Олимпия қўмиталари ассоциациясининг президенти Марио Вазкес таклифига биноан, КХА раҳбарияти ҳам иштирок этди. 3 апрель куни Марио Вазкес ва КХА президенти Комил Юсупов ўртасида расмий учрашув ўтказилди ва унда курашни дунёда янада оммалаштириш борасида сўз борди.

Куни кеча Осиё Олимпия кенгаши вакиллари Ўзбекистонда бўлиб, кураш билан яқиндан танишдилар. Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида ўтказилган кураш тақдимотида қатнашган ООК бош директори Ҳусайн ал-Мусаллам миллий қадриятимиз ҳақида илиқ фикрлар билдирди. Ўтган ҳафтада КХАга Осиё Олимпия кенгашидан хушхабар келди. Унда айтилишича, 2007 йил Макаода ёпиқ спорт иншоотларида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига кураш ҳам киритилади.

Албатта, курашимизнинг жаҳон майдонида ўз ўрнини топгани, нуфузли спорт ташкилотлари томонидан тан олиниши, эътироф этилиши барча ўзбекистонликлар учун қувончлидир.

Чемпионликка бир қадам

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида футзал бўйича давом этаётган Осиё чемпионатида гуруҳ баҳслари якунланиб, ярим финал иштирокчилари маълум бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, гуруҳ баҳсларида Ўзбекистон футзалчилари ишончли ўйин намойиш этишди. Ҳамюртларимиз Малайзия (7:0), Хитой Тайпейи (6:1) ва Хитой (4:1) терма жамоаларини катта устунлик билан мағлубиятга учратдилар.

Бугун бошланадиган ярим финал учрашувларида гуруҳ ғолиблари: Қирғизистон — Ўзбекистон, Япония — Эрон терма жамоалари финал йўлланмаси учун майдонга тушадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Р.ГЛИЭР НОМИДАГИ
РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ
(мактаб синфларига) 2006-2007 ўқув йилига 1 ва 5-синфларга ўқувчилар қабул қилишини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Ҳужжатлар 2006 йил 22 майдан 2 июнга қадар қабул қилинади.
Маслаҳат кунлари — 25 майдан 2 июнга қадар ҳар куни соат 9.00дан 12.00гача ва 17.00дан 19.00гача.
Қабул имтиҳонлари 3 ва 4 июнь кунлари бўлиб ўтади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Саидова кўчаси, 4-уй. Телефон: 396-03-24.
Транспорт: 28, 76, 131, 87, 34-автобуслар, 2, 4-троллейбусларнинг "Талабалар шаҳарчаси" бекати.

Осори-атиқаларимиз

Тарихдан маълумки, Хоразм — минг қалъа маскани. Араб тарихчилари Амударёнинг ҳар икки соҳилида 12 минг қалъа-қўрғон бўлганлиги ҳақида ёзиб қолдирганлар. Ҳозирги кунда воҳада шулардан бор-йўғи юзга яқини сақланиб қолган. Хива, Қалъажиқ ва Ҳазорасп қалъалари эса давлат муҳофазасига олинган.

АФСОНАВИЙ ҚАЛЪА

Афсуски, Боғот туманида жойлашган Қалъажиқ ёки Довудқалъа номи билан аталган ушбу қадимий ёдгорлик ҳақида билганларимиз бизнинг тасаввуримизни бойитишга ожизлик қилади.

... Мактабда ўқиб юрган пайтларимизда ҳарбий таълим дарслари машғулотларига аҳоли яшайдиган жойлардан чеккароққа олиб чиқишарди. Бунга ўнғай жой Қалъажиқ эди. Нишонга оладиган тахтани қалъанинг ичига ўрнатиб, ўқитувчимизнинг буйруғи билан унга қараб ўқ узардик. Ўқларнинг бириккитаси нишонга тегарди, тегмагани қалъа деворларига бориб санчиларди. Яхшиямки, кейинчалик бунга барҳам берилди. Акс ҳолда, шундоғам йиллар силсиласида емирилаётган қалъа...

Антик давр харобаларидан бўлган Қалъажиқ тошқин сувлардан ҳосил бўлган кўллар ва Қорақум барханлари орасида, Хивага борадиган қадимги йўл яқинида жойлашган. Шарқий деворларидан бошқа ҳамма деворлари сақланиб қолган. Истеҳкомлар ҳам бузилмаган. Жанубий деворининг узунлиги 221, шимолдагиси 184, ғарбдагиси 74, шарқий деворининг узунлиги эса 114 метрдир. Ички пахса деворлар афригийлар ва ўрта асрлар даврига хос бўлган хом ғиштдан қурилган. Бу деворларнинг баландлиги 12-14 метрга етади, қалинлиги эса 2,5 метр. Қалъа деворларида ўқчилар учун йўлаклар ва тешиклар бор. Ўрта асрларда бу қалъа ўша замоннинг ҳарбий техникаси талабига асосан қайта қурилган. Бу деворларда ўрта аср ғиштлари мавжудлиги билан тасдиқланади. Сақланиб қолган археологик ёдгорликлар маълумотларига кўра, қалъада эрамизнинг биринчи асрларида ҳаёт тугаган. Тарихчи ва археолог олимларнинг хулосасига таянсак, бу қалъа 26-27 асрлик тарихга эга.

Қалъажиқ ҳақида билганимиз шу. Унинг бағридаги сир ҳамон сирлигича қолмоқда.

— Тарих китобларимизни Ватанимиз тарихи акс этган чуқур илмий манбалар билан кўпроқ бойитишимиз керак, — дейди биз билан суҳбатда тарих фани ўқитувчиси, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Шокир Раззоқов. — Буюк Ипак йўли устида жойлашган Қалъажиқда чуқур илмий изланишлар, археологик текширувлар ўтказилса айни муддао бўларди. Ўқувчиларни саёҳатга олиб борамиз-у, қалъа ҳақида қайси манбага асосланиб сўзлаб беришни билмаймиз.

Қалъанинг жанубий томонида катта майдонни эгаллаган сув бор. Айтишларича, қалъа деворларига лой ана шу ердан олинган ва кейинчалик унинг ўрнида катта кўл ҳосил бўлган. Унга ҳеч қаердан сув кирмайди ҳам, чиқмайди ҳам. Атрофдаги кўлларда сув сатҳи кўтарилиши билан сизот сувлар орқали унинг ҳам суви кўпаяди. Лекин суви ҳаддан ташқари шўр.

Қалъажиқнинг ана шу суви ва қумининг шифобахшлиги нафақат Хоразм воҳаси, балки қўшни Қорақалпоғистон аҳлига ҳам маълум. Шунинг учун ҳам ёзнинг жазирама кунларида бу ерга даволаниш, соғлиғини тиклаш учун келадиган одамларнинг кети узилмайди. Демак, ёз фаслида кимлар учундир қалъа даромад манбаи ҳам. Шундай экан, ёз мавсумида тушган маблағ Қалъажиқ тарихини ўрганишга сарфланганда ҳам анча иш қилинган бўларди.

Ўйлаймизки, тарихчи олимлар ва археологлар Қалъажиққа, албатта, диққат-эътибор қаратадилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Азамат САФАР,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ЭГАСИ КЎРСАТИЛМАЙДИГАН ДЕПОЗИТ (ЖАМҒАРМА) СЕРТИФИКАТЛАРИНИ
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Даромад — йиллик 21%. Сақлаш муддати — 3 ой.
СЕРТИФИКАТНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ — 25.000 ва 50.000 сўм.
Сертификат эгаларига:
- қўйилган пул маблағлари бут сақланиши ва фоизлар ўз вақтида тўланиши кафолатланади;
- сертификатларни бошқа жисмоний шахслар ихтиёрига ўтказиш ҳуқуқи берилади.
МИЛЛИЙ БАНКНИНГ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ СИЗНИНГ ЖАМҒАРМАЛАРИНГИЗНИ САҚЛАБ ТУРАДИ ВА КЎПАЙТИРАДИ.
Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлими ёхуд филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ҚАЛИТИДИР!

Hyundai Football World Championship
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS
Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com
Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы охраны периметров
Навигационные системы
Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива
Geoquip WORLDWIDE
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Янги китоблар

Саломатлик ҳақида китоб

Соғ-саломат юришда ҳикмат кўп. Мабодо танамизнинг бирон аъзоси шикастланса ё оғриётган бўлса, ҳаловатимиз йўқолади. Айниқса, қулоқ, томоқ оғриса, турли муаммоларга дуч келамиз. Бундай пайтда шифокор ҳузурига югурамиз. Боиси, ушбу аъзоларимиз хасталаниши ҳақида маълумот берилган китоблардан бехабармиз. Шу пайтгача нафақат оддий одамлар, балки тиббиёт аҳли учун ҳам томоқ, қулоқ ва бурун касалликлари бўйича ўзбек тилида адабиётлар камёб эди. Бори ҳам анча олдин нашр этилган.

Бу борада профессорлар А. Дадамуҳамедов ва Ш. Омоновнинг "Болалар отоларингологияси" номли китоби тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилиши катта иш бўлди. Китобда муаллифлар болаларда учрайдиган мазкур аъзолар ривожланишининг бузилиши ҳамда яллиғланиши сингари турли туғма ва кейинчалик пайдо бўладиган касалликларга батафсил тўхталиб ўтишган. Унда касалликларнинг келиб чиқиши, аломатлари ва даволаш йўллари тўғрисидаги замонавий ва анъанавий амалиёт ютуқлари хусусида гап боради.

Айниқса, касалликлар шакл-шамойили тасвирланган турли схема-расмлар дарслик қимматини оширади. Умуман, китоб отоларингология (ЛОР) касалликларининг олдини олиш, даволаш ва ташхис қўйишдаги барча билимларни ўзида мужассам этган. Муаллифларнинг ушбу асари ёш тиббиёт мутахассислари учун дарслик сифатида эътироф этилишида мана шу мукаммалликлар инобатга олинган, десак муболаға бўлмайди.

Қобил ХИДИРОВ.

«НЕФТЬ ТАЪМИНОТ»
очиқ акциядорлик жамияти
фаолиятига оид муҳим далиллар тўғрисида маълумот

Маълумотнома тартиб рақами — 09

Йиғилиш тури — йиллик.
Ўтказиш шакли — очиқ.
Ўтказилган вақти — 2006 йил 19 май соат 16.00.
Ўтказилган жойи — М. Улуғбек тумани, Т. Содиков к., 14-уй, «Нефть таъминот» ОАЖнинг катта залида.
Йиғилиш кворуми — 79,3%.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар бўйича овоз бериш якунлари:

1. Жамият бошқарувининг 2005 йил фаолияти қониқарли деб топилсин. «Тарафдорлар» — 100%.
2. Ижро органи раҳбарининг номзоди 2006 йил учун тасдиқлансин ва Кузатув кенгаши билан 2007 йил 20 майга қадар шартнома тузилсин. «Тарафдорлар» — 100%.
3. 2006 йил учун мўлжалланган бизнес-режа тасдиқлансин. «Тарафдорлар» — 100%.
4. Жамият тафтиш комиссиясининг 2005 йил фаолияти қониқарли деб топилсин. «Тарафдорлар» — 100%.
5. 2005 йил якуни бўйича аудиторлик текшируви хулосаси ва далолатномаси тасдиқлансин. «Тарафдорлар» — 100%.
6. 2005 йилдаги соф фойда тасдиқлансин. «Тарафдорлар» — 100%.
7. 2005 йилдаги жамият фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот, бухгалтерия баланси тасдиқлансин. «Тарафдорлар» — 100%.
8. 2006 йил учун «Ин-кор» фирмаси аудитори ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори икки млн. сўмгача қилиб белгилансин.

Маълумотнома тартиб рақами — 05

73549 дона эгаси ёзилган оддий акцияларнинг ҳар бир донаси учун 700 сўмдан дивиденд эълон қилинди, тўлов нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маълумотнома тартиб рақами — 10

Кузатув кенгаши ва бошқа аъзолари таркиби ўзгаришсиз қолди.

Кузатув кенгаши.

Российский линолеум
производства ОАО «ЩекиноАзот» г. Тула
и славянские обои
тел. 134-48-11, факс 134-49-58.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси жамоаси мурувват бўлими бошлиғи Муҳаррам Ботировага онаси **Мамлакатхон ая ЖАЛИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси катта илмий ходим, филология фанлари номзоди **Степан Семёнович КИМнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институти жамоаси институт катта илмий ходими Шуҳрат Рўзиевга отаси **Нормурод РЎЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси ҳозирги ўзбек тили бўлими катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Мўмин Турдибековга онаси **Умриниса ТЎРАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345